

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
филология фанлари доктори, профессор



ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМШУНОСЛИГИ: ЯНГИ ИСТИҚБОЛ МАРРАЛАРИ

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилингандан бошлаб юртимизда барча соҳалар қатори исломшунослик соҳасига ҳам катта эътибор қаратилди.

Мақолада мустақиллик даврида исломшунослик соҳасининг ривожини, унинг йўналишлари, бу борада олиб борилган тадқиқотлар ҳақидаги таҳлилий маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, сўнгги йилларда соҳа доирасида амалга оширилган ислохотлар, уни ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш борасида қилинган ишлар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан миллий маданий мерос, алломаларимиз қўлёзма асарларини ўрганиш, уларнинг дунё фондларида сақланаётган нусхаларини аниқлаш ва она юртимизга қайтариб олиб келиш, исломшунослик соҳаларини илмий ривожлантириш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази, Мир Араб Олий мадрасаси каби халқаро аҳамиятга молик муҳим илмий даргоҳлар-

нинг очилиши соҳага берилаётган катта эътиборнинг яққол намунаси ҳисобланади.

Диний-маърифий соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар исломшунослик соҳасида туб бурилишларга олиб келди. Юртимизда исломшунослик соҳаси айнан мустақиллик йилларида шаклланди ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Исламшунослик фани бу даврда ислом цивилизацияси, адабиёти, тарихи, фалсафаси, манбашунослиги, ислом иқтисоди ва молияси каби янги йўналишлар билан бойиди, унинг тадқиқот доираси кенгайди.

2018 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академияси асосида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши исломшунослик соҳасида туб бурилиш ясади. Бу муҳим қадам муносабати билан «Олий илмий ва илмий-педагогик мутахассисликлар рўйхатига» 24.00.00 рақамли Исламшунослик фанлари ихтисослиги киритилди. Мазкур ихтисослик доирасида «Ислам тарихи ва манбашунослиги», «Қуръоншунослик, ҳадисшунослик», «Фикҳ, калом илми ва илоҳиёт», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» мутахассисликлари очилди.

Исламшунослик ихтисослиги доирасида ислом тарихи, фалсафаси, хурфикр-

лилиқ, араб-мусулмон оламида Уйғониш даври ва унинг цивилизация тарихида тутган ўрни, исломдаги фалсафий анъаналар, суфийлик ва оқимлари, суфий мутафаккирларнинг ҳаёти, ижоди ва ғоявий қарашлари, тариқатлардаги умумийлик ва хослик, ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафийлик мазҳаби ва унинг манбалари, алломаларимизнинг ҳанафийликка оид асарлари, Қуръон ва унинг негизида диний-фалсафий фикрларнинг ривожланиши, илк ислом таълимоти, ислом ақидалари, калом илми мактаблари ва намояндалари, ислом илоҳиёти, Қуръон, ҳадис ва бошқа ислом манбаларининг филологик, тарихшунослик, матншунослик тадқиқоти каби йўналишлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш назарда тутилади.

Амалга ошириладиган тадқиқотлар сирасида қуръоншунослик алоҳида ўрин тутди. Ҳозирга қадар Қуръон матнининг ўзбек тилидаги қатор таржима ва тафсиллари амалга оширилди. Уларнинг исломшунослик соҳасида ўзига хос ўрни мавжуд. Мазкур таржималарни тарихий, фалсафий, адабий манба сифатида қиёсий ўрганиш, таржима усуллари таҳлил қилиш, ўзбек тили лексикасининг диний матнлар мазмунини ёритиш имкониятлари, устунликлари, ўзига хослиги каби масалаларни ўрганиш ҳам манбашунослик соҳасидаги муҳим тадқиқотларга асос бўлади. «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири», «Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни», «Абу-л-Баракот Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни», «Қуръони каримда Исо пайғамбар сиймоси» мавзулари Қуръон ва тафсилларни ўрганиш борасида амалга оширилган йирик фундаментал илмий тадқиқотлар саналади.

Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий номидаги ҳадис илмий макта-

бининг очилиши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субазмунининг «Кашфу-л-осор» асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг «Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», «Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)», «Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Исломшуносликка оид тадқиқотлар ичида ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган илмий изланишлар мавжуд. «Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг «Жомии-с-саҳиҳ» асаридаги фикҳий масалалар», «Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни», «Абу Зайд Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни», «Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг «Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни», «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», «Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Кайдоний» асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар таҳлили», «Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба», «X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар», «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи», «Алоуддин Бухорий «Ҳайрату-л-фуқаҳо» асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни»

мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади.

Исломшуносликнинг мустақиллик йилларида алоҳида урғу берилаётган соҳаларидан бири ислом ақидаси, калом илмига бағишланган тадқиқотлар ҳисобланади. «Абу-л-Муъин Насафий ва унинг мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси», «Имом Таҳовийнинг «Ақида» асари ва унга ёзилган шарҳлар таҳлили», «Абу Ҳафс Умар Насафийнинг «Ақоид» асари ва унинг шарҳлари таҳлили» мавзуларидаги тадқиқотлар мустақиллик медаларидандир.

Исломшунослик бўйича яратилган тадқиқотларнинг маълум қисми ислом тарихининг турли жиҳатларига бағишланган, жумладан, «Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII / VIII-XIII асрлар)», «Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632–661 йиллар)», «Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тутган ўрни (X–XII асрлар)», «Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни (1250–1517)», «Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-қийёсий таҳлили» каби илмий изланишлар шулар жумласига киради.

Ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари ва уларнинг асарларида диний мавзулар, диний лексиканинг қўлланиш усуллари ва қўлами, пайғамбарлар қиссаларининг адабиётдаги инъикоси, динлараро тотувлик масаласи, тасаввуф адабиётларининг типологик филологик қийёсий таҳлили каби мавзулар ҳам исломшунослик соҳасидаги муҳим тадқиқотлар сирасига киради. Ҳозирга қадар «Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти», «Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар» мавзуларидаги тадқиқотлар докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинган. Мазкур йўналишда шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти манбалари кўплаб тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, бирги-

на Алишер Навоий илмий меросининг ўзи ҳам исломшунослик соҳаси бўйича муҳим тадқиқотларга асосий манба бўлиб хизмат қила олади. Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибига кирган дostonлардаги диний мотивлар, ислом, имон талқини, шоирнинг ҳамд ва наът ғазаллари, улардаги бадий образларнинг таҳлили, тарихий мавзулар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мазкур йўналишда ҳозирда «Алишер Навоийнинг «Ҳайрату-л-аброр асаридаги диний мотивлар», «Чархий туркий тафсирларининг таҳлили» мавзусида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Исломшуносликнинг ўта муҳим соҳаларидан ҳисобланган тасаввуф, тасаввуф тариқатлари, ислом фалсафаси ва ислом агиографиясини ўрганиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар ҳам ҳозирги даврда аҳамият касб этади. Бу йўналишда исломшунос, шарқшунос мутахассислар томонидан замонавий масалалар билан уйғунликда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Академия профессор-ўқитувчилари, олимлари томонидан соҳага оид «Ибн Мискавайҳнинг диний-фалсафий қарашлари», «Рушдий «Тазкирату-л-авлиё» асари матнларининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти», «Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи», «Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини», «Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари асосида)», «Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари» мавзуларидаги тадқиқотлар якунланган ва илмий жамоатчиликка тақдим этилган.

Жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда дунё динлари, ислом дини ва таълимоти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва улар билан боғлиқ замонавий масалаларга бағишланган илмий тадқиқотларга талаб катта. Бундай

тадқиқотларни амалга ошириш олимлардан кенг қамровли дунёвий ва диний билимларни, чуқур илмий мушоҳада ва таҳлилни талаб этади. Мана шундай тадқиқотлар жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни тўғри, илмий асосда ечишга хизмат қилади. Академияда дин билан боғлиқ замонавий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. «Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари», «Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом», «Ислом ҳуқуқшунослигида инсон ҳуқуқлари ва шахс мақоми», «ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)», «Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни», «Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари», «Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг шахс маънавиятига таъсири», «Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги» мавзуларидаги тадқиқотлар маълумотларининг янгилиги, илмийлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Исломшунослик бўйича амалга ошириладиган тадқиқотлардан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари, ўқувчи, талабалар, кенг жамоатчиликда миллий ҳамда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш, уларга динлар, хусусан, ислом таълимотининг маърифий асослари ҳақида маълумот бериш орқали мустаҳкам мафкуравий имунитетни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш каби ҳозирги даврнинг муҳим долзарб масалаларидан иборат. Маълумки, ушбу вазифаларни дунёвий ва диний маълумотлар уйғунлигидаги, замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, қўлланма ва дарсликларни яратмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Шу мақ-

садда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида «Исломшунослик» соҳаларига оид фанларни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли дастурлар қабул қилинган ва ижроси амалга оширилмоқда.

Исломшунослик фанларини такомиллаштириш бўйича дастурга мувофиқ соҳага оид 20 га яқин «Ислом манба шунослиги», «Тасаввуф», «Қуръоншунослик», «Балоғат», «Фикҳ», «Ҳадисшунослик», «Калом» илмларига оид ўқув қўлланмалар яратилган ва нашр этилиб дарс жараёнига татбиқ этилган. Эътиборли жиҳати рус тилида «Корановедение», «Суфизм», «Ҳадисоведение», «Исламское источниковедение» каби ўқув қўлланмалари ҳам яратилган ва нашр этилган. Ҳозирда яратилган ўқув қўлланмаларни дарсликларга айлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Манбаларни холис, илмий таҳлил қилиш асосида ёзилган мазкур дарслик ва қўлланмалар ўқувчи, талабаларда том маънодаги бағрикенглик маданиятининг шаклланишида яқиндан хизмат қилади. Академиянинг халқаро мақомга кўтарилиши, хорижлик талабаларнинг ўқишга қабул қилиниши ҳозирги вақтда исломшуносликка оид ўқув адабиётлар, қўлланма, дарсликларнинг рус ва инглиз тилларидаги янги авлодини яратишни талаб этмоқда. Бу борада дастлабки тадқиқотлар бошлаб юборилган.

Истиқболда исломшунослик соҳаси олдида жуда кўплаб долзарб масалалар турибди. Жумладан, юртимиз олимларининг араб, форс-тожик, ўзбек тилидаги илмий-маънавий, диний-маърифий меросини илм-фан соҳаларининг турли йўналишларида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Алломаларимиз томонидан яратилган буюк мерос қўлёзма нусхаларини аниқлаш, матнини қадимий манбалар асосида қиёсий ўрганиб, таянч матнларини яратиш асосида тадқиқотлар олиб бориш илмий нуқтаи назардан мукамал, халқаро меъёрлардаги асарларнинг яратилишига асос бўла олади.